



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 6 » may

№ 239

Toshkent sh.

Талабалар турар жойларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қуриш учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

“Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ, шунингдек, талабаларни ўқиш даврида турар жой билан таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Талабалар турар жойларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қуриш учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:**

олий таълим муассасаларида талабалар турар жойларини давлат-хусусий шериклик асосида қуриш лойиҳаларини амалга ошириш тартиби;

хусусий шерик томонидан Давлат бюджетидан субсидия ажратиш тўғрисида мурожаат қилиш тартиби;

давлат шериги томонидан мурожаатни уч кун ичида ўрганиб чиқиш ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига молиялаштириш бўйича мурожаат қилиш тартиби;

ажратилган субсидияни давлат шериги томонидан хусусий шерикка ўтказиш тартиби;

Давлат бюджетидан субсидия ажратилишини мониторинг ва назорат қилиш тартиби.

2. Белгилаб қўйилсинки, талабалар турар жойларини қуриш лойиҳаларини амалга ошириш учун тадбиркорлик субъекти ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан аралаш молиялаштириш шаклида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим доирасида хусусий шерикка бериладиган субсидия миқдори талабалар турар жойларини қуриш лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича бир ўринга тўғри келадиган қийматнинг 50 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорда ажратилади.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Республика олий таълим муассасаларида талабаларни турар жой билан қамраб олиш даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 9 сентябрдаги 563-сон қарорига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиради.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х. Тошқулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “6” майдаги 239 -сон қарорига
1-илова

**Талабалар турар жойларини давлат-хусусий шериклик шартлари
асосида қуриш учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан
субсидия ажратиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом талабалар турар жойларини (кейинги ўринларда – ТТЖ) давлат-хусусий шериклик (кейинги ўринларда – ДХШ) шартлари асосида қуриш учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан (кейинги ўринларда – Давлат бюджети) субсидия ажратиш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом талаблари ДХШ шартлари асосида ТТЖни қуриш лойиҳаларини тадбиркорлик субъекти ва Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан аралаш молиялаштириш шаклига нисбатан татбиқ этилади.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

давлат шериги – ТТЖни ДХШ асосида қуриш лойиҳаларини амалга ошириш учун тадбиркорлик субъектлари билан белгиланган тартибда ДХШ тўғрисида битим тузган олий таълим муассасалари;

субсидия – ДХШ тўғрисидаги битим доирасида ТТЖ қурилиши харажатларининг бир қисмини қоплаш учун қайтармаслик шarti билан Давлат бюджетидан тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган пул маблағлари;

хусусий шерик – ТТЖни ДХШ асосида қуриш лойиҳаларини амалга ошириш учун давлат шериги билан белгиланган тартибда ДХШ тўғрисида битим тузган тадбиркорлик субъектлари.

3. ТТЖни қуриш лойиҳаларини амалга ошириш учун ДХШ тўғрисидаги битим доирасида хусусий шерикка бериладиган субсидия ТТЖни қуриш лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича бир ўринга тўғри келадиган қийматнинг 50 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорда ажратилади.

2-боб. Хусусий шерикларга субсидия ажратиш тартиби

4. Олий таълим муассасаларида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни тузиш ҳуқуқи бўйича тендер қолибини аниқлаш юзасидан ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ таркибда тендер комиссияси тузилади.

5. ТТЖни ДХШ асосида қуриш лойиҳаларини амалга ошириш учун тадбиркорлик субъектлари ўртасида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартибда тендер ўтказилади.

Тендер комиссияси томонидан ғолиб деб топилган тадбиркорлик субъекти белгиланган тартибда ТТЖни ДХШ асосида қуриш лойиҳаларини амалга оширади.

6. Талабалар турар жойларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қуриш учун Давлат бюджетидан субсидия ажратиш ушбу Низомга 2-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

7. Хусусий шерик ва давлат шериги ўртасида имзоланган ДХШ тўғрисидаги битим Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 апрелдаги 259-сон қарори билан тасдиқланган Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг реестрига киритилганидан сўнг хусусий шерик давлат шеригига субсидия ажратиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилади.

8. Давлат шериги хусусий шерик томонидан тақдим этилган аризани у берилган кундан бошлаб уч иш куни ичида Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 августдаги 509-сон қарори билан тасдиқланган Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низом талабларига мослиги юзасидан ўрганиб чиқади.

Аризани ўрганиб чиқишда қўшимча ўрганишлар ўтказиш талаб этилса, давлат шериги ариза берувчини хабардор қилган ҳолда аризани ўрганиб чиқиш муддатини қўшимча ўн иш кунига узайтиришга ҳақли.

9. Давлат шериги ва хусусий шерик ўртасида тузилган ДХШ тўғрисидаги битимга мувофиқ давлат шериги субсидия ажратиладиган хусусий шерик ҳақидаги маълумотларни субсидия ажратиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига (кейинги ўринларда – Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги) юборади.

10. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги беш иш куни ичида тақдим этилган аризани ўрганиб чиқиб, субсидия бериш учун давлат шериги билан субсидия ажратиш юзасидан шартномани имзолайди ҳамда Давлат бюджетидан ажратилган маблағларни давлат шеригининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ахборот тизимида очилган алоҳида шахсий ҳазна ҳисобварағига уч иш куни ичида ўтказиб беради.

11. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги уч иш куни ичида субсидия ажратилганлиги тўғрисида давлат шеригига ёзма ахборот беради.

12. Хусусий шерикка ТТЖ қуриш учун икки иш куни ичида давлат шериги томонидан биринчи босқичда хусусий шерикнинг банкдаги ҳисобварағига ТТЖ умумий қийматининг 15 фоизи миқдорида субсидия ажратилади.

Кейинги босқичларда бажарилган ишлар далолатномаси имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида бажарилган ишнинг 50 фоизи миқдориди, биринчи босқичда ажратилган маблағларни инобатга олган ҳолда субсидия ажратилади.

13. ТТЖ қуриш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун Давлат бюджетидан субсидия ажратиш бўйича маблағлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари доирасида назарда тутилади.

14. Молия йили якуни бўйича давлат шеригининг шахсий ғазна ҳисобварақларида фойдаланилмай қолган бюджет маблағлари Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига қайтарилади.

3-боб. Якунловчи қоидалар

15. Субсидия бериш учун Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар тўғрисидаги маълумотлар давлат шеригининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар тўғрисидаги маълумот ҳар ой якуни бўйича янгиланиб борилади ҳамда йиллар бўйича акс эттирилади.

16. Субсидия олиш мақсадида тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг тўғрилигига тегишли хусусий шерик ва давлат шериги масъул ҳисобланади.

17. Давлат шеригининг юқори турувчи ташкилоти субсидия бериш ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва мониторинг қилишга, давлат шериги Давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг хусусий шерикка етказилиши юзасидан масъул ҳисобланадилар.

18. Давлат бюджетидан маблағларнинг ажратилиши ва хусусий шерикларга етказилишини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси назорат қилади.

19. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Талабалар турар жойларини давлат-хусусий
шериклик шартлари асосида куриш учун
Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан
субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

**Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни тузиш ҳуқуқи бўйича
тендер ғолибини аниқлаш юзасидан тендер комиссияси
ТАРКИБИ**

1. *Лавозими бўйича* – олий таълим муассасаси раҳбари, *тендер комиссияси раиси*
2. *Лавозими бўйича* – тизимида олий таълим муассасаси мавжуд вазирлик (идора) вакили
3. Д. Ниёзов – Молия вазирлигининг Таълим, фан ва маданият тармоқларида бюджет сиёсати департаменти бўлим бошлиғининг ўринбосари
4. Б. Бобохонов – Монополияга қарши курашиш қўмитасининг Стратегик аҳамиятга эга хўжалик жамиятлари ва корхоналарнинг харидлари устидан назорат қилиш бўлими бошлиғининг ўринбосари
5. Ш. Саидмуродов – Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигининг Таълим, маданият, туризм ва спорт соҳалари бўйича ДХШ лойиҳаларини таҳлил қилиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари – бўлим бошлиғи (*тендер комиссияси таркибида маслаҳат овози билан иштирок этади*)
6. *Лавозими бўйича* – Олий таълим муассасасининг Молия-иқтисод ишлари бўйича проректори (ишлар бошқармаси бошлиғи, директор ўринбосари)
7. *Лавозими бўйича* – Олий таълим муассасасининг бош муҳандиси, *тендер комиссияси котиби*

Изоҳ. Комиссия аъзолари бошқа лавозимга ўтганда ушбу лавозимга янги тайинланган ёки тегишли вазифаларни бажариш зиммасига юкланган шахс комиссия таркибига киритилади.

Талабалар турар жойларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида куриш учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

Талабалар турар жойларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида куриш учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан субсидия ажратиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбир	Бажариш муддатлари
1-босқич	Хусусий шерик	Давлат шеригига субсидия ажратиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилади.	ДХШ тўғрисидаги битим ДХШ лойиҳаларининг реестрига киритилганидан сўнг
2-босқич	Давлат шериги	1. Хусусий шерик томонидан тақдим этилган аризани Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низом талабларига мослиги юзасидан ўрганиб чиқади. 2. ДХШ битими ва унга доир маълумотларни илова қилган ҳолда субсидия ажратиш учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига юборади.	Уч иш куни ичида (қўшимча ўрганиш учун – ўн иш куни ичида)
3-босқич	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	1. Тақдим этилган аризани ўрганиб чиқиб, субсидия бериш учун давлат шериги билан субсидия ажратиш юзасидан шартномани имзолайди. 2. Давлат бюджетидан ажратилган маблағларни давлат шеригига ўтказиши. 3. Субсидия ажратилганлиги тўғрисида давлат шеригига ёзма ахборот беради.	1. Беш иш куни ичида 2. Уч иш куни ичида 3. Уч иш куни ичида
4-босқич	Давлат шериги	1. ТТЖ куриш учун биринчи босқичда хусусий шерикнинг банкдаги ҳисобварағига ТТЖ умумий қийматининг 15 фоизи миқдорда субсидия ажратади. 2. Кейинги босқичларда бажарилган ишлар далолатномасига асосан бажарилган ишнинг 50 фоизи миқдорида, биринчи босқичда ажратилган маблағларни инобатга олган ҳолда субсидия ажратади.	1. Икки иш куни ичида 2. Бажарилган ишлар далолатномаси имзоланган кундан уч иш куни ичида

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “6” майдаги 239 -сон қарорига
2-илова

Вазирлар Маҳкамасининг “Республика олий таълим муассасаларида талабаларни турар жой билан қамраб олиш даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 9 сентябрдаги 563-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 1-бандда:

а) “а” кичик банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“давлат шериги ушбу тўловни талабалардан ҳар ой яшаш учун йиғиладиган тўловларни чегирган ҳолда ҳар бир талаба учун базавий ҳисоблаш миқдорининг йиллик 10 баравари миқдорида ўз маблағлари ҳисобидан кафолатланадиган тўловлар ҳамда базавий ҳисоблаш миқдорининг йиллик 15 баравари миқдорида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан (кейинги ўринларда – Давлат бюджети) ажратиладиган субсидия ҳисобидан амалга оширади”;

б) “б” кичик банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“хусусий шерикка талабалар турар жойларини қуриш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича бир ўринга тўғри келадиган қийматнинг 50 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорда субсидия ажратилади”;

в) “в” кичик банднинг тўртинчи хатбошисидаги “10” рақами “20” рақами билан алмаштирилсин.

2. 2-банд қуйидаги мазмундаги “д¹” ва “д²” кичик бандлар билан тўлдирилсин:

“д¹) давлат-хусусий шериклик шартлари асосида талабалар турар жойлари барпо этиш учун талабгор чиқмаган тақдирда, қурилиш харажатлари тенг улушларда давлат олий таълим муассасаси ва Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Талабалар турар жойларини қуриш ишлари олий таълим муассасасининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилган тақдирда, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган қисми кейинчалик субсидия шаклида молиялаштириб берилади;

д²) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Молия вазирлиги билан келишилган таклифига асосан Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1-илова билан тасдиқланган рўйхатнинг асосий параметрларига олий таълим муассасаларининг талабалар турар жойларига бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб борилади”.

3. 3-банднинг иккинчи хатбошисидаги “Тошкент шаҳрида базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари, бошқа ҳудудларда эса 5 баравари миқдорида” сўзлари “базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 баравари миқдорида” сўзлари билан алмаштирилсин.

4. 7-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

“мазкур қарорнинг 1-банди “б” кичик бандида назарда тутилган шаклдан бошқа шаклларда қурилган талабалар турар жойларида қонунчиликда тақиқланмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун ажратилган, бироқ бино умумий майдонининг 20 фоизидан ошмаган қисмига бўлган мулк ҳуқуқини (ер майдони, умумий фойдаланишга мўлжалланган коммуникация қисмига эгалик ҳуқуқи бундан мустасно) хусусий шерикка (маҳаллий инвесторлар учун) талабалар турар жойлари фойдаланишга топширилган пайт ўтказишга;

давлат-хусусий шериклик шартлари асосида талабалар турар жойларини қуриш учун аввалроқ давлат шериги, ваколатли давлат органи ва бошқа махсус веб-сайтларда эълон қилинган концепцияларни эълон қилиш муддатини қўшимча 10 кунга узайтирган ҳолда мазкур қарорда белгиланган шартларга мувофиқ ўзгартиришга;

давлат-хусусий шериклик битим муддатини талабалар турар жойларини қуриш учун сарфланган маблағларнинг қопланиш муддатига 2,3 коэффицентни қўллаш орқали белгилашга”.

5. 1-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Худудларда талабалар турар жойларини қуриш учун олий таълим муассасаларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилаётган ер майдонлари РЎЙХАТИ

Т/р	Олий таълим муассасаси номи	Жами барпо этиладиган талабалар турар жойлари (400 ўринли)			Олий таълим муассасаси ҳудудида барпо этиладиган талабалар турар жойлари			Олий таълим муассасасига яқин ҳудудда барпо этиладиган талабалар турар жойлари			Йиллар кесимида (талабалар турар жойи сони)			
		сон	қуввати	ер майдони (га)	сон	қуввати	ер майдони (га)	сон	қуввати	ер майдони (га)	2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил
Республика бўйича жами:		228	91 200	68,4	167	66 800	50,1	61	24 400	18,3	47	67	62	52
Қорақалпоғистон Республикаси		16	6 400	4,8	16	6 400	4,8				2	6	5	3
1.	Қорақалпоқ давлат университети	6	2 400	1,8	6	2 400	1,8				1**	1	2	2
2.	Нукус давлат педагогика институти	5	2 000	1,5	5	2 000	1,5				1**	1	2	1
3.	Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиали	1	400	0,3	1	400	0,3					1		
4.	Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали	1	400	0,3	1	400	0,3						1	
5.	Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Нукус филиали	1	400	0,3	1	400	0,3					1		
6.	Тошкент давлат иқтисодиёт университети Тўртқўл факультети	1	400	0,3	1	400	0,3					1		

Т/р	Олий таълим муассасаси номи	Жами барпо этиладиган талабалар турар жойлари (400 ўринли)			Олий таълим муассасаси худудида барпо этиладиган талабалар турар жойлари			Олий таълим муассасасига яқин худудда барпо этиладиган талабалар турар жойлари			Йиллар кесимида (талабалар турар жойи сони)			
		сон	қуввати	ер майдони (га)	сон	қуввати	ер майдони (га)	сон	қуввати	ер майдони (га)	2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил
7.	Самарқанд ветеринария медицинаси институти Нукус филиали	1	400	0,3	1	400	0,3					1		
Андижон вилояти		18	7 200	5,4	18	7 200	5,4				6	4	4	4
8.	Андижон давлат университети	5	2 000	1,5	5	2 000	1,5				2***	1	1	1
9.	Андижон машинасозлик институти	2	800	0,6	2	800	0,6				1		1	
10.	Андижон давлат тиббиёт институти	4	1 600	1,2	4	1 600	1,2				1	1	1	1
11.	Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институти	1	400	0,3	1	400	0,3				1			
12.	Андижон давлат университети Педагогика институти	2	800	0,6	2	800	0,6					1		1
13.	Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти	4	1 600	1,2	4	1 600	1,2				1	1	1	1
Бухоро вилояти		10	4 000	3	10	4 000	3				3	2	4	1
14.	Бухоро давлат университети	4	1 600	1,2	4	1 600	1,2				1*	1	1	1
15.	Бухоро муҳандислик-технология институти	2	800	0,6	2	800	0,6				1**		1	

Т/р	Олий таълим муассасаси номи	Жами барпо этиладиган талабалар турар жойлари (400 ўринли)			Олий таълим муассасаси худудида барпо этиладиган талабалар турар жойлари			Олий таълим муассасасига яқин худудда барпо этиладиган талабалар турар жойлари			Йиллар кесимида (талабалар турар жойи сони)			
		сон	қуввати	ер майдони (га)	сон	қуввати	ер майдони (га)	сон	қуввати	ер майдони (га)	2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил
16.	Бухоро давлат университети Педагогика институти	1	400	0,3	1	400	0,3						1	
17.	Бухоро давлат тиббиёт институти	2	800	0,6	2	800	0,6				1		1	
18.	Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Бухоро филиали	1	400	0,3	1	400	0,3					1		
Сирдарё вилояти		4	1 600	1,2	4	1 600	1,2				1	1	1	1
19.	Гулистон давлат университети	3	1 200	0,9	3	1 200	0,9				1*		1	1
20.	Тошкент кимё технология институти Янгиер филиали	1	400	0,3	1	400	0,3					1		
Жиззах вилояти		9	3 600	2,7	9	3 600	2,7				2	3	2	2
21.	Жиззах политехника институти	4	1 600	1,2	4	1 600	1,2				1	1	1	1
22.	Жиззах давлат педагогика институти	5	2 000	1,5	5	2 000	1,5				1	2	1	1
Қашқадарё вилояти		9	3 600	2,7	9	3 600	2,7				3	2	2	2
23.	Қарши давлат университети	2	800	0,6	2	800	0,6				1**		1	
24.	Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти	3	1 200	0,9	3	1 200	0,9				1*		1	1

Т/р	Олий таълим муассасаси номи	Жами барпо этиладиган талабалар турар жойлари (400 ўринли)			Олий таълим муассасаси ҳудудида барпо этиладиган талабалар турар жойлари			Олий таълим муассасасига яқин ҳудудда барпо этиладиган талабалар турар жойлари			Йиллар кесимида (талабалар турар жойи сони)			
		сон	қуввати	ер майдони (га)	сон	қуввати	ер майдони (га)	сон	қуввати	ер майдони (га)	2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил
25.	Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали	1	400	0,3	1	400	0,3				1			
26.	Тошкент кимё-технология институтининг Шаҳрисабз филиали	2	800	0,6	2	800	0,6					1		1
27.	Қарши давлат университети Педагогика институти	1	400	0,3	1	400	0,3					1		
Навоий вилояти		8	3 200	2,4	2	800	0,6	6	2 400	1,8	1	3	2	2
28.	Навоий давлат кончилик институти	2	800	0,6	2	800	0,6					1		1
29.	Навоий давлат педагогика институти	6	2 400	1,8				6	2 400	1,8	1	2	2	1
Наманган вилояти		9	3 600	2,7	7	2 800	2,1	2	800	0,6	2	3	2	2
30.	Наманган давлат университети	4	1 600	1,2	4	1 600	1,2				1*	1	1	1
31.	Наманган муҳандислик-технология институти	2	800	0,6				2	800	0,6		1		1
32.	Наманган муҳандислик-қурилиш институти	3	1 200	0,9	3	1 200	0,9				1	1	1	
Самарқанд вилояти		20	8 000	6	16	6 400	4,8	4	1 600	1,2	6	4	7	3
33.	Самарқанд давлат университети	5	2 000	1,5	5	2 000	1,5				1	2	1	1

Т/р	Олий таълим муассасаси номи	Жами барпо этиладиган талабалар турар жойлари (400 ўринли)			Олий таълим муассасаси ҳудудида барпо этиладиган талабалар турар жойлари			Олий таълим муассасасига яқин ҳудудда барпо этиладиган талабалар турар жойлари			Йиллар кесимида (талабалар турар жойи сони)			
		сон	қуввати	ер майдони (га)	сон	қуввати	ер майдони (га)	сон	қуввати	ер майдони (га)	2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил
34.	Самарқанд давлат чет тиллар институти	2	800	0,6	1	400	0,3	1	400	0,3	1		1	
35.	Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти	2	800	0,6	1	400	0,3	1	400	0,3	1		1	
36.	Самарқанд ветеринария медицинаси институти	3	1 200	0,9	3	1 200	0,9				1		1	1
37.	Самарқанд давлат тиббиёт институти	3	1 200	0,9	1	400	0,3	2	800	0,6	1	1		1
38.	Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали	2	800	0,6	2	800	0,6				1		1	
39.	Ипак йўли туризм халқаро университети	1	400	0,3	1	400	0,3					1		
40.	Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали	1	400	0,3	1	400	0,3						1	
41.	Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиали	1	400	0,3	1	400	0,3						1	
Сурхондарё вилояти		14	5 600	4,2	14	5 600	4,2				1	6	3	4
42.	Термиз давлат университети	6	2 400	1,8	6	2 400	1,8				1*	2	2	1
43.	Самарқанд давлат университети Денов	2	800	0,6	2	800	0,6					1		1

Т/р	Олий таълим муассасаси номи	Жами барпо этиладиган талабалар турар жойлари (400 ўринли)			Олий таълим муассасаси ҳудудида барпо этиладиган талабалар турар жойлари			Олий таълим муассасасига яқин ҳудудда барпо этиладиган талабалар турар жойлари			Йиллар кесимида (талабалар турар жойи сони)			
		сон	қуввати	ер майдони (га)	сон	қуввати	ер майдони (га)	сон	қуввати	ер майдони (га)	2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил
	тадбиркорлик ва педагогика институти													
44.	Тошкент давлат техника университети Термиз филиали	2	800	0,6	2	800	0,6					1		1
45.	Термиз давлат университети Педагогика институти	1	400	0,3	1	400	0,3					1		
46.	Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти	1	400	0,3	1	400	0,3						1	
47.	Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиали	2	800	0,6	2	800	0,6					1		1
Фарғона вилояти		20	8 000	6	12	4 800	3,6	8	3200	2,4	5	5	6	4
48.	Фарғона давлат университети	7	2 800	2,1	4	1 600	1,2	3	1 200	0,9	2****	2	2	1
49.	Фарғона политехника институти	4	1 600	1,2	1	400	0,3	3	1 200	0,9	1	1	1	1
50.	Кўқон давлат педагогика институти	4	1 600	1,2	2	800	0,6	2	800	0,6	1	1	1	1
51.	Тошкент давлат техника университети Кўқон филиали	1	400	0,3	1	400	0,3						1	
52.	Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва	1	400	0,3	1	400	0,3							1

Т/р	Олий таълим муассасаси номи	Жами барпо этиладиган талабалар турар жойлари (400 ўринли)			Олий таълим муассасаси худудида барпо этиладиган талабалар турар жойлари			Олий таълим муассасасига яқин худудда барпо этиладиган талабалар турар жойлари			Йиллар кесимида (талабалар турар жойи сони)			
		сон	қуввати	ер майдони (га)	сон	қуввати	ер майдони (га)	сон	қуввати	ер майдони (га)	2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил
	спорт университети Фарғона филиали													
53.	Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти	1	400	0,3	1	400	0,3					1		
54.	Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали	2	800	0,6	2	800	0,6				1		1	
Хоразм вилояти		8	3200	2,4	8	3200	2,4				1	3	2	2
55.	Урганч давлат университети	4	1 600	1,2	4	1 600	1,2				1	1	1	1
56.	Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали	3	1200	0,9	3	1200	0,9					1	1	1
57.	Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали	1	400	0,3	1	400	0,3					1		
Тошкент вилояти		9	3 600	2,7	6	2 400	1,8	3	1 200	0,9	3	3	1	2
58.	Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти	4	1 600	1,2	1	400	0,3	3	1 200	0,9	2****	1	1	
59.	Тошкент давлат техника университети Олмалиқ филиали	1	400	0,3	1	400	0,3					1		

Т/р	Олий таълим муассасаси номи	Жами барпо этиладиган талабалар турар жойлари (400 ўринли)			Олий таълим муассасаси худудида барпо этиладиган талабалар турар жойлари			Олий таълим муассасасига яқин худудда барпо этиладиган талабалар турар жойлари			Йиллар кесимида (талабалар турар жойи сони)			
		сон	қуввати	ер майдони (га)	сон	қуввати	ер майдони (га)	сон	қуввати	ер майдони (га)	2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил
60.	Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети	1	400	0,3	1	400	0,3							1
61.	Тошкент давлат аграр университети	2	800	0,6	2	800	0,6					1		1
62.	Тошкент давлат техника университети Олмалик филиали	1	400	0,3	1	400	0,3				1			
Тошкент шаҳри		74	29 600	22,2	36	14 400	10,8	38	15 200	11,4	11	22	21	20
63.	Ўзбекистон Миллий университети	5	2 000	1,5	5	2 000	1,5				1*	2	1	1
64.	Тошкент кимё-технология институти	3	1 200	0,9				3	1 200	0,9		1	1	1
65.	Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти	1	400	0,3	1	400	0,3				1			
66.	Тошкент молия институти	2	800	0,6	1	400	0,3	1	400	0,3		1		1
67.	Тошкент давлат шарқшунослик университети	3	1 200	0,9				3	1 200	0,9		1	1	1
68.	Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти	3	1 200	0,9	1	400	0,3	1	400	0,3		1		1
69.	Тошкент давлат техника университети	6	2 400	1,8	6	2 400	1,8					2	2	2

Т/р	Олий таълим муассасаси номи	Жами барпо этиладиган талабалар турар жойлари (400 ўринли)			Олий таълим муассасаси худудида барпо этиладиган талабалар турар жойлари			Олий таълим муассасасига яқин худудда барпо этиладиган талабалар турар жойлари			Йиллар кесимида (талабалар турар жойи сони)			
		сон	қуввати	ер майдони (га)	сон	қуввати	ер майдони (га)	сон	қуввати	ер майдони (га)	2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил
70.	Тошкент давлат педагогика университети	6	2 400	1,8	4	1 600	1,2	2	800	0,6	1**	2	2	1
71.	Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети	3	1 200	0,9	1	400	0,3	2	800	0,6	1		1	1
72.	Тошкент давлат иқтисодиёт университети	6	2 400	1,8	2	800	0,6	4	1 600	1,2	1*	2	1	2
73.	Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети	7	2 800	2,1	6	2 400	1,8	1	400	0,3	2	1	2	2
74.	Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти	3	1 200	0,9	2	800	0,6	1	400	0,3		1	1	1
75.	Тошкент фармацевтика институти	2	800	0,6				2	800	0,6		1		1
76.	Тошкент педиатрия тиббиёт институти	2	800	0,6				2	800	0,6	1**		1	
77.	Тошкент давлат юридик университети	1	400	0,3				1	400	0,3			1	
78.	Тошкент давлат транспорт университети	3	1200	0,9				3	1 200	0,9	1*	1	1	
79.	Ўзбекистон халқаро ислом академияси	1	400	0,3				1	400	0,3		1		
80.	Тошкент архитектура-қурилиш институти	3	1 200	0,9	1	400	0,3	2	800	0,6		1	1	1
81.	Тошкент ахборот технологиялари университети	3	1 200	0,9	2	800	0,6	1	400	0,3		1	1	1

Т/р	Олий таълим муассасаси номи	Жами барпо этиладиган талабалар турар жойлари (400 ўринли)			Олий таълим муассасаси ҳудудида барпо этиладиган талабалар турар жойлари			Олий таълим муассасасига яқин ҳудудда барпо этиладиган талабалар турар жойлари			Йиллар кесимида (талабалар турар жойи сони)			
		сон	қуввати	ер майдони (га)	сон	қуввати	ер майдони (га)	сон	қуввати	ер майдони (га)	2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил
82.	Миллий рассомлик ва дизайн институти	2	800	0,6	1	400	0,3	1	400	0,3		1		1
83.	Тошкент тиббиёт академияси	4	1 600	1,2	1	400	0,3	3	1 200	0,9		2	1	1
84.	Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети	2	800	0,6				2	800	0,6	1		1	
85.	Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг Тошкент филиали	1	400	0,3	1	400	0,3						1	
86.	Тошкент давлат стоматология институти	3	1 200	0,9	1	400	0,3	2	800	0,6	1		1	1

Изоҳ.

*) қурилиш харажатлари тенг улушларда давлат олий таълим муассасаси ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган талабалар турар жойлари;

**) тўлиқ олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан барпо этиладиган талабалар турар жойлари;

***) ушбу йилда қуриладиган 1-талабалар турар жойи тўлиқ олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ҳамда 2-талабалар турар жойи давлат-хусусий шериклик шартлари асосида барпо этиладиган талабалар турар жойлари;

****) ушбу йилда қуриладиган 1-талабалар турар жойи тўлиқ олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ҳамда 2-талабалар турар жойи 50 фоизи олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари, 50 фоизи Давлат бюджетидан ажратиладиган субсидия ҳисобидан барпо этиладиган талабалар турар жойлари.

Талабалар турар жойларини барпо этиши учун зарур ер майдонлари устувор равишида олий таълим муассасасига яқин (1,5 км радиусда) ҳудудда, бўш ер майдони мавжуд бўлмаганда эса – олий таълим муассасаси раҳбарияти билан келишилган ҳолда бошқа ҳудуддан ажратилади.

Битта талабалар турар жойини қуриши учун ўртача 0,3 га ер майдони ҳисобланади.

2023–2025 йилларда белгиланган талабалар турар жойларини барпо этиши бўйича тадбиркорлик субъектлари томонидан талабалар турар жойларини барпо этиши лойиҳаларини тадбиркорлик субъекти ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан аралаш молиялаштириши шаклидан бошқа шаклларда ташаббус билдирилганда, талабалар турар жойларини барпо этиши лойиҳаларини мазкур иловада кўрсатилган йилдан аввалроқ амалга оширишига рухсат берилади”.

